

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc03/30.09.2020.К.82.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЗИЯДУЛЛАЕВ МИРЖАЛОЛ ЭГАМБЕРДИ ЎҒЛИ**

**ХИНАЗОЛИН-4-ОН ВА УНИНГ 6-АЛМАШГАИ ҲОСИЛАЛАРИ  
СИНТЕЗИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчик – 2022**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Chemical sciences**

<b>Зиядуллаев Миржалол Эгамберди ўғли</b> Хиназолин-4-он ва унинг 6-алмашган ҳосилалари синтези, технологияси.....	3
<b>Зиядуллаев Миржалол Эгамберди ўғли</b> Синтез, технология хиназолин-4-она и его 6-замещенных производных ..	21
<b>Ziyadullaev Mirjalol</b> Syntesis, technology quinazolin-4-one and their 6-substituted derivatives.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	42

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЗИЯДУЛЛАЕВ МИРЖАЛОЛ ЭГАМБЕРДИ ЎҒЛИ**

**ХИНАЗОЛИН-4-ОН ВА УНИНГ 6-АЛМАШГАН ҲОСИЛАЛАРИ  
СИНТЕЗИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.03 – Органик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчик – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/K387 рақам билан рўйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Ўсимлик модаллари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида «www.scpi.uz/itmiy-kengash» ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбир:** **Каримов Рихсибай Кучкарович**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Икрамов Абдуваҳаб**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдугафуров Иброҳим Азизович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент туқимачилик ва енгил sanoat институти**

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогик институти хузуридаги DSc.03/30.09.2020 К.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «02» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: 99870-712-27-55, факс 99897-712-45-41; e-mail: tvchdpi\_k.kengash@umail.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: 99870-712-27-55, факс 99897-712-45-41; e-mail: tvchdpi\_k.kengash@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «4» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2022 йил «4» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баенномаси).



**Д.А.Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доцент

**Г.К.Отамухамедова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, к.ф.д. (PhD)

**А.Г.Махсумов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда гетерохалқали бирикмалар асосида органик моддалар синтез қилишда янги инновацион технологияларни жорий қилиш орқали юқори эҳтиёжга эга препаратларни ишлаб чиқариш йилдан йилга ортиб бормоқда. Табиий хомашёлардан хиназолин-4-он ҳосилаларини синтез қилишда янги катализаторларни қўллаш, жараёнларни назорат қилишнинг технологик ҳисоблашларини амалга ошириш, хиназолин-4-оннинг 6-моноалмашган ҳосилаларидан кимё саноатида, медицина ва қишлоқ хўжалигида юқори сифатли препаратлар олишда ишлатиш, уларнинг таркибига турли функционал гуруҳлар киритиш орқали қўллаб янги моддалар олиш ва модификация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда хиназолин-4-оннинг 6-моноалмашган ҳосилалари янги каталитик системалар ёрдамида синтез қилиш, маҳсулот унумига турли омиллар таъсирини ўрганиш, ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар бажарилмоқда. Бу борада, хиназолин-4-оннинг 6-моноалмашган ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг таркиби ва тузилишини аниқлаш, улар асосида янги биостимуляторлар, иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, эритувчилар ва полимерлар синтез қилиш ҳамда физик-кимёвий хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда дунё бозорида рақобатбардош янги турдаги кимёвий моддалар синтез қилишда маҳаллий хомашё ва чиқиндилардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, экспортга мўлжалланган импорт ўрнини босувчи бирикмаларни олиш усулларини яратиш, улардан тўқимачилик ва фармацевтика саноатида қўлланилиш соҳаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада хиназолин-4-он ёрдамида янги бирикмалар синтез қилиш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, улардан фармацевтика, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигида ингибиторлар, антигельминтлар ва стимуляторлар сифатида фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари” ва 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашў турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация гадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда хорижда кўплаб олимлар томонидан хиназолин-4-он ва унинг ҳосилаларини синтез қилишга оид илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Т.Г.Joshua, Natalie Koay, Muhammad Sharif, Г.С.Меликян ва Д.Г.Кимнинг илмий ишлари антранил кислотаси билан турли алмашган метил эфирлари ва оксидаш реакциялари натижасида 3-алмашган хиназолин-4-онлар синтез қилинган. Marwa F. Ahmed, Hanan H. Georgey, Navin B. Patel, М.В. Nader томонидан оксодиазалхиназолин-4-онлар синтез қилинган, антибактериал хусусиятлари ўрганилган. Ҳозирги пайтда Г.Н.Солодунова, С.В.Власов, Toshiyasu Sakakura, Zhao Guang Li, М.В.Deshmukh, S.Patil ва бошқалар томонидан ривожлантирилмоқда.

Бугунги кунда республикада хиназолин-4-он бирикмалари кимёси соҳасида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борган, жумладан С.Ю.Юнусов, Х.Н.Арипов, Х.М.Шахидоятовлар томонидан трициклик хиназолин ҳосилалари *Peganum harmala* (исиріқ) ўсимлигидан ажратиб олинган, Л.М.Юн, Л.В.Молчановлар полиметиленхиназолин-4-он ҳосилаларини синтез қилган, Н.Д.Абдуллаев, Б.Ташходжаев, Қ.К.Турғуновлар эса ушбу синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини исботлашган. Б.Ж.Элмуратов раҳбарлигида конденсирланган бензо- ва тиенопиримидин-4-онлар синтези, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаолликлари аниқланган ҳамда улар асосида хилма хил тузилишдаги мураккаб гетероциклик бирикмалар синтез қилинган ва уларнинг қишлоқ хўжалигида қўлланилиш соҳалари аниқланган. А.Ш.Абдуразақовнинг илмий ишлари 6-алмашинган 2,3-полиметилен-3,4-дигидрохиназолин-4-онларнинг альдегидлар билан ўзаро таъсирлашишига бағишланган ва муҳим қонуниятлар аниқланган.

Бициклик хиназолин-4-онлар ва унинг 6-моноалмашган, (6-бром-, -нитро-, -амино-) ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини, тузилишини, биологик фаоллигини аниқлаш, технологияларини ишлаб чиқиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация

тадқиқоти Ҷисимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ВА-ФА-Ф-6-009 “Табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш” (2017-2020 йй.) ва № КА-9-002 “Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва паррандачиликда қўллаш учун юқори самарали маҳаллий антигельминт препаратлар Беназамин, Хиназол ва Госсипрен озука концентратини яратиш” (2015-2017) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хиназолини-4-он ва унинг 6-алмашган ҳосилаларини синтез қилиш ҳамда ишлаб чиқариш технологияларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

антранил кислотаси ва формаид асосида хиназолин-4-он ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

хиназолин-4-оннинг 6-моноалмашган (6-бром-, -нитро, -амино, -ациламино) ҳосилаларини синтези реакциялари механизми ва химизмини таклиф этиш, жараёнларни бошқариш ва назорат қилиш тартибларини аниқлаш ва муқобил шароитларини аниқлаш;

хиназолин-4-оннинг 6-моноалмашган ҳосилаларини синтез қилишнинг нисбий самарадорлик каторини, қўлланилган қайтарувчиларнинг нисбий фаоллик каторини ишлаб чиқиш;

хиназолин-4-онни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, уни ветеринария ва қишлоқ хўжалигида мақсадли қўлланиш соҳаларини тадқиқ қилиш ва амалиётга жорий этиш;

хиназолин-4-оннинг 6-моноалмашган ҳосилалари бром, нитро, амина, ациламино каби азометинлар синтез қилиш ва уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хиназолин-4-он ва унинг нитро-, бром-, амина-, ациламино- маҳсулотлари хиназолин-4-тион каби бирикмалар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** хиназолин-4-он, 6-бромхиназолин-4-он, хиназолин-4-тионларни юқори унумларда синтез қилиш, хиназолин-4-онни нитролаш, нитро гуруҳни турли хил катализатор ва эритувчилар иштирокида мос равишдаги амина гуруҳгача қайтариш, ҳосил бўлган аминамаҳсулотни ациллаш реакцияларини ўрганиш, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш ҳамда “Хиназол” антигельминт препаратини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида нозик органик синтез усуллари – нитролаш, қайтариш, ациллаш, физик-кимёвий ва аналитик усуллар юпка катламли хроматография (ЮҚХ), юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ), ИҚ-, <sup>1</sup>H ЯМР, <sup>13</sup>C ЯМР- спектроскопиялар, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), хромато-масс спектрометрия усуллари, квант-кимёвий ва элемент таҳлили ҳамда биологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор бициклик хиназолин-4-онни нитроловчи аралашма ( $\text{HNO}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4$ ) иштирокида нитролаш асосида хиназолин-4-оннинг 6-ҳолатдаги водород атоми нитро гуруҳга электрофил алмашиб 6-нитрохиназолин-4-он синтез қилиш усули ишлаб чиқилган;

хиназолин-4-онии турли қайтарувчилар билан реакцияларининг фаолланиш энергиялари, кинетик тенгламалари, реакция механизми квант-кимёвий усуллар ёрдамида назарий исботланган;

6-аминохиназолин-4-онни турли алифатик карбон кислоталар ва ароматик альдегидлар билан реакциялари тадқиқ қилинган, маҳсулот унумини оширувчи турли хил омилларнинг табиати ва таъсирининг самадорлик ва фаоллик қатори ишлаб чиқилган;

илк бор хиназолин-4-он асосида янги “Хиназол” антигельминт препаратини синтез қилиш технологияси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

хиназолин-4-он ва унинг 6-алмашган ҳосилаларини турли хил каталитик системалар ёрдамида синтез қилишнинг самарали усуллари ва технологиялари ишлаб чиқилган, уларнинг хусусий, физик-кимёвий, энергетик, квант-кимёвий ва спектрал характеристикалари аниқланган;

хиназолин-4-онни фармакологик ва токсикологик таъсирлари аниқланган, натижада хиназолин-4-оннинг чорва молларида учрайдиган гельминтларига қарши фаоллиги ва антигельминтлик самарадорлиги аниқланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг стимуляторлик, фунгицидлик, бактерицидлик, инсектицидлик ва микробларга қарши фаоллиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий ИҚ-,  $^1\text{H}$ -ЯМР,  $^{13}\text{C}$ -ЯМР спектроскопия, масс-спектрометрия, юпка қатламли хроматография (ЮКХ), рентген тузилиш таҳлили (РТТ), квант-кимёвий, биологик ва бошқа тадқиқот усулларидан олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 6-ҳолатдаги нитро гуруҳни  $\text{SnCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  иштирокида амина гуруҳгача қайтарилиши реакцияси ўрганилиб, 6-аминохиназолин-4-он синтез қилинганлиги, алифатик кислоталар ёрдамида ациллаш ва ароматик алдегидлар билан Шифф асоси ҳосил бўлиш реакциялари олиб борилганлиги, реакция жараёнига ҳарорат, катализатор, реакция давомийлиги ҳамда реакцияга киришувчи моддалар моль нисбатлари таъсири аниқланганлиги, реакцияларнинг бориш механизмлари ва жараёнларнинг тақомиллаштирилган технологик схемалари тақлиф этилганлиги, ҳамда синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилиб, уларнинг ишлатилиш соҳалари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Хиназол” антигельминт препарати субстанциясини олиш технологик жараёнларининг оптимал шароитлари, тажрибаларни математик режалаштириш усули билан топилганлиги, асосий омилларнинг маҳсулот унумига миқдорий таъсирлари аниқланган, шунингдек олинган натижалар асосида препаратни олишнинг



технологик тизими ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижаларини бевосита амалиётга қўллаш билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Хиназолин-4-он ва унинг 6-алмашган ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

6-нитрохиназолин-4-он ва 6-аминохиназолин-4-он таркибли бирикмаларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CCDC 2104937, 2104938). Натижада, базага киритилган янги моддалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш, тузилишини тавсифлаш имконини берган;

хиназолин-4-он ёрдамида антигельминт хоссасига эга бўлган “Хиназол” препарати синтез қилиш ва ишлаб чиқариш технологияси учун ташкилот стандарти “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 03535440-034:2019). Натижада стимулятор, фунгицид, бактерицид ва инсектицид хоссага эга бўлган янги препарат ишлаб чиқариш имконини берган.

хиназолин-4-он асосида синтез қилинган бирикмалар чорва молларида учрайдиган турли замбуруғ касалликларига қарши янги антибактериал препаратлари сифатида Самарқанд ветеринария илмий текшириш институти амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 25 октябрдаги 02/23-1853 маълумотномаси). Натижада Fassiolyoz ва Moniezios касалликларига чалинган майда шохли ҳайвонларнинг соғайиш самарадорлигини 92% гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари асосида 9 та, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола республика, 4 та мақола хорижий журналларда, шундан 2 та мақола Scopus базасидаги журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот иши натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Хиназолин-4-он ва унинг ҳосилалари синтези, хоссалари ва қўлланилиши” номли биринчи бобида мавзуга доир илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Хиназолин-4-оннинг реакцион қобилияти ва унинг ҳосилаларини синтез қилиш усуллари, хиназолин-4-он ҳосилаларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда уларнинг биологик фаолликлари тўғрисидаги тадқиқотлар ўрганиб чиқилган. Мавзуга доир мавжуд адабиётларни ва нашр этилган ишларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг “Хиназолин-4-он ва унинг янги ҳосилаларини синтез қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқишдан олинган натижалар ва уларнинг таҳлили” деб номланган иккинчи бобида бициклик хиназолин-4-он ҳосилалари синтези ва уларнинг тузилишини тасдиқловчи натижалар таҳлили келтирилган. Хиназолин-4-он (1) унумини ошириш мақсадида Ниментовский усулига қисман ўзгартиришлар киритган ҳолда, ҳароратни 135-140 °С оралиғида, реакция давомийлигини 4 соатгача, бошланғич моддаларнинг моль нисбатларини 1:3 нисбатларда технологик шароитларда олиб борилди. Натижада 1 юкори унумларда (95,7%) синтез қилинди.  $R_f=0,61$ . (Система – хлороформ:бензол:метанол) 5:3:1, Молекуляр массаси 146,146.  $^1\text{H}$  ЯМР ( $\text{CD}_3\text{COOD}$ ): ( $\delta$ , м.у.,  $J/\text{Гц}$ ): 7.79 (1H, ттт,  $J_1=1.27$ ,  $J_2=2.56$ , H-2), 8.35 (1H, с, H-5), 7.50 (1H, ттт,  $J_1=1.11$ ,  $J_2=2.19$ , H-6), 7.71 (1H, д,  $J = 7.9$ , H-7), 8.20 (1H, дд,  $J=7.9$ ,  $J_1=1.35$ ,  $J_2=8.06$ , H-8).  $^{13}\text{C}$  ЯМР ( $\text{CD}_3\text{COOD}$ ): 123.5 м.у. 10-С, 127.6 м.у. 6-С, 128.3 м.у. 8-С, 129.6 м.у. 5-С, 137.3 м.у. 7-С, 147.5 м.у. 2-С, 148.8 м.у. 9-С, 164.8 м.у. 4-С. ИК-спектри (KBr,  $\nu$ ,  $\text{cm}^{-1}$ ): (C=O) 1664  $\text{cm}^{-1}$ , (NH) 3436  $\text{cm}^{-1}$ , (C=N) 1612  $\text{cm}^{-1}$ , (C-N) 1468  $\text{cm}^{-1}$ , ар.х. (C=C) 1558  $\text{cm}^{-1}$ .

Олинган хиназолин-4-он сувда асос ҳолатда амалда эримайди, аммо минерал кислоталар билан ҳосил қилган тузлари сувда яхши эрийди. Маълумки, ҳар қандай биологик фаол бирикмени организмга киритишда унинг сувда эрувчан шаклини олиш препаратни организм томонидан осон ўзлаштирилиши ва қўллашда самарали ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда хиназолин-4-оннинг сувда эрувчан гидрохлориди (2) ҳам микдорий унумларда олишга эришилди. Ушбу бирикмаларнинг кимёвий формуласи куйидагича:




Хиназолин-4-он (1) ва унинг гидрохлориди (2) синтези технологик шароитларда амалга оширилди, ҳамда адабиётларда келтирилган маълум усуллар билан олинган маҳсулотларга нисбатан реакция унумдорлиги юкори бўлганлиги кузатилди.

*Хиназолин-4-онни сифат ва миқдорий таҳлил қилиш учун ЮССХ усулини ишлаб чиқиш.* Тадқиқотлар давомида хиназолин-4-он синтезининг дастлабки, оралиқ ва якуний маҳсулотларини аналитик назорат қилиш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Унга кўра, эрувчан градиент билан юкори маҳсулдорликка эга бўлган суюқлик хроматографияси билан алмаштирилмаган хиназолин-4-оннинг чинлиги аниқланади ва тозалик даражаси тасдиқланди. Хроматография шароити: эритувчилар системаси – метанол ва диметилформамид эритувчилари аралашмаси (50:50); кўзгалувчан фаза – ацетонитрил-метанол; колонка ҳарорати –  $35 \pm 2^\circ\text{C}$ ; кўзгалувчан фаза оқимининг тезлиги – 0,5 мл/дақ ускунага киритилувчи намуна миқдори – 20 мкл; детекторлашнинг тўлқин узунлиги – 296 нм; таҳлил давомиёлиги – 15 дақиқа. Тадқиқот натижаларига кўра, услубнинг чизиклиги, тўғрилиги, такрорланувчанлиги, селективлиги текшириб чиқилди ҳамда ушбу услубдан Хиназол препарати субстанциясини аналитик назорат қилишда тўлақонли қўллаш мумкинлиги исботланди.


*Хиназолин-4-он синтезининг оптимал шароитларини аниқлашда бир факторли тажрибалар ўтказилди.* Бунда бир қатор омилларнинг реакция жараёнига таъсирини сифат ва миқдорий баҳолаш учун унинг математик модели яратилди, ҳамда Бокс-Уилсон усули ёрдамида маҳсулотни миқдорий унумларда олишнинг мақбул шароитлари аниқланди. Олинган натижаларни математик режалаштиришда, уч омилли ( $2^3$ ), икки марта такрорланувчи, умумий тажрибалар сони 16 тани ташкил қилган, икки поғонали, тўлиқ факторли  $Y=2^3$  кўринишидаги умумий тажрибаларга эга бўлди. Қўлланилган  $X_1$  – ҳарорат  $^\circ\text{C}$ ;  $X_2$  – реакция давомиёлиги, соат;  $X_3$  – моддалар нисбати (моль) омиллар орасидан  $X_2$  асосий омил эканлиги аниқланди.

*6-Нитрохиназолин-4-он синтези.* Хиназолин-4-оннинг янги ҳосилаларини олиш ва маҳсулотлар қўламини кенгайтириш мақсадида нитролаш реакцияси амалга оширилди. Реакция нитроловчи аралашма билан олиб борилганда дастлаб нитроловчи аралашмада кислота-асос мувозанат борлиги сабабли мусбат ва манфий зарядланган ионлар ҳосил бўлади. Хиназолин-4-он халқасидаги 6-ҳолатдаги углерод атомида манфий заряд қиймати юкори бўлганлиги учун нитроний катиони электрофил ҳужум қилиб аввал  $\pi$ -комплекс, кейин  $\sigma$ -комплексни ҳосил қилади ва протон ажралиб чиқиб барқарорлашади ҳамда электрофил алмашиниш реакцияси натижасида 6-нитрохиназолин-4-он ҳосил бўлади:




6-Нитрохиназолин-4-онни синтез қилишда жараёнга таъсир этувчи асосий омилларнинг (дастлабки бирикмаларнинг ўзаро нисбати, реакция ҳарорати ва давомийлиги) таъсир даражаси ўрганилди. Математик тик қўтарилиш амалга оширилди ва жараёни амалга оширишнинг оптимал шароитлари аниқланди. Унга кўра, дастлабки моддалар 0,15:1:3 нисбатларда олиниб, 40 °С ҳароратда реакция 4,5 соат давомида олиб борилганда маҳсулот унуми 93,2%ни ташкил этди.  $R_f=0,48$ . (Система – ацетон:бензол 3:2). Техник 6-нитрохиназолин-4-он этил спиртида қайта кристалланди.  $T_{\text{суюқ}}=287-289^{\circ}\text{C}$ . Молекуляр массаси 191,144. 6-Нитрохиназолин-4-оннинг валент тебранишлари ИҚ-спектри ёрдамида аниқланганда  $\text{C}=\text{O}$  гуруҳи  $1668\text{ см}^{-1}$ ,  $\text{N}-\text{H}$  гуруҳи  $3417\text{ см}^{-1}$ ,  $\text{C}=\text{N}$   $1618\text{ см}^{-1}$ ,  $\text{C}-\text{N}$   $1467\text{ см}^{-1}$ ,  $\text{C}-\text{NO}_2$   $1514\text{ см}^{-1}$  соҳаларда намоён бўлиши кузатилди.  $^1\text{H}$  ЯМР спектри ( $\delta$ , м.у., J/Гц): 8.98 (1H, дд,  $J_1=0.41$ ,  $J_2=2.66$ , H-5), 8.55 (1H, дд,  $J_1=2.66$ ,  $J_2=9$ , H-7), 7.9 (1H, дд,  $J=0.42$ , H-8) ораликларда чўққилар намоён бўлиши аниқланди. МС таҳлил усулида олинган спектрда молекуляр массаси 191,9 бўлган интенсив чўққи намоён бўлади. Ушбу молекуляр масса 6-нитрохиназолин-4-оннинг брутто-формуласига мос келади.

6-Аминохиназолин-4-он синтези. Нитроҳосилалар муҳим синтонлар бўлиб, гетероҳалқали бирикмалар кимёси учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Яъни, нитрогуруҳнинг қайтарилиши тегишли 6-аминомаҳсулот ҳосил бўлишига олиб келади. Қайтариш реакцияси қалай (II) хлорид дигидрати иштирокида амалга оширилди. Унинг жуфт электрони нитрогуруҳнинг электроманфий кислород атомига ўтиши натижасида азот кислород кўш боғи ( $\text{N}=\text{O}$ ) узилиб, анион радикал ҳосил бўлади. 6-Аминохиназолин-4-он ҳосил бўлиш реакцияси механизмини қуйидагича уч босқичда тасвирлаш мумкин:




Қалай (II) хлорид қайтарувчи вазифасини бажаради ва реакция охирида қалай (IV) хлорид ҳолида ажралиб чиқади.




Бунда, биринчи босқичда дастлабки 6-нитрохиназолин-4-он таркибидаги нитро гуруҳи қалай (II) хлориднинг хлорид кислота билан таъсирлашишида ажралиб чиққан водород билан қайтарилиб тегишли нитрозоҳосиллага (6) ўтади, иккинчи босқичда нитрозоҳосиллага иккита водород атомининг бирикиш-қайтарилиши кетиб N-алмашинган гидросиламин (7) ҳосил бўлади, учинчи босқичда эса оралик гидросиламин ҳам водород иштирокида қайтарилиши ва сувнинг элиминацияси (чиқиб кетиши) натижасида 6-аминохиназолин-4-он ҳосил бўлади. Реакция унуми 88,1%.  $R_f=0,53$ . (Система ацетон:бензол 3:2).  $T_{\text{суюқ}}=316-318\text{ }^{\circ}\text{C}$ . Молекуляр массаси 161,161. Синтез қилинган 6-аминохиназолин-4-оннинг ИҚ-спектрида валент тебранишлари таҳлил

килинганда, C=O гурухи 1672 см<sup>-1</sup>, -NH гурухи 3411 см<sup>-1</sup>, C=N 1602 см<sup>-1</sup>, C-H 3022 см<sup>-1</sup>, (C-C) 1485 см<sup>-1</sup>, (C-N) 1392 см<sup>-1</sup> соҳаларда намоён бўлиши кузатилади. <sup>1</sup>H ЯМР спектри таҳлил қилинганда (δ, м.у. J/Hz): 7.71 (1H, с, J=2.24, H-2), 7.14 (1H, д, J=2.68, H-5), 7.33 (1H, д, J=8.64, H-7), 7.03 (1H, д, J=8.71, H=8) соҳаларда намоён бўлиши кузатилади. <sup>13</sup>C ЯМР спектри: 106.2 (C-7), 122.2 (C-5), 123.7 (C-8), 128.1 (C-10), 139.7 (C-2), 140.3 (C-9), 147.9 (C-4), 160.7 (C-6) м.у. соҳаларда намоён бўлиши кузатилади. МСда м.м. 161 га тенг бўлган интенсив молекуляр ион чўқиси намоён бўлади.

6-Нитрохиназолин-4-он ва 6-аминохиназолин-4-оннинг кристаллиниг рентген тузилиши таҳлили (РТТ) ёрдамида олинган кристаллдаги тузилишлари 1, 2-расмларда кўрсатилган:




1-Расм. 6-Нитрохиназолин-4-оннинг кристаллдаги тузилиши (CCDC 2104937)




2-Расм. 6-Аминохиназолин-4-оннинг кристаллдаги тузилиши (CCDC 2104938)

*N*-(4-Оксо-3(Н)-хиназолин-6-ил)ацетамид синтези. Тадқиқотларимиз давомида 6-аминохиназолин-4-онни ациллаш реакциялари устида тажрибалар амалга оширилди. 6-Аминохиназолин-4-ондаги нуклеофил марказ - аминогруҳнинг сирка кислотадаги қисман мусбат зарядланган углерод атомига ҳужуми натижасида 6-аминохиназолин-4-оннинг ациллашиш реакцияси содир бўлади. 6-Аминохиназолин-4-онни алифатик кислоталар ёрдамида ациллаш реакциясининг умумий схемаси келтирилган:



6-Аминохиназолин-4-онни ациллашнинг тахминий механизмини қуйдагича таклиф этиш мумкин:



Ушбу реакция механизмини N-(4-оксо-3(H)-хиназолин-6-ил)ацетамид мисолида куйдагича тушунтириш мумкин, дастлаб 6-аминохиназолин-4-ондаги амина гуруҳи ацилловчи агентнинг карбонил гуруҳига нуклеофил ҳужуми билан бошланади ва натижада оралик комплекс (12) ни ҳосил қилади. Ҳосил бўлган оралик комплексдан бир молекула сувнинг чиқиб кетиши натижасида ацилмаҳсулот яъни N-(4-оксо-3(H)-хиназолин-6-ил)-ацетамид ҳосил бўлади. Маҳсулот унуми 88,9%.  $R_f=0,39$ . (Система – метанол:бензол 1:3).  $T_{\text{суюқ}}=244-246$  °C. Молекуляр массаси 203,197. N-(4-оксо-3(H)-хиназолин-6-ил)ацетамиднинг ИҚ-спектрида C=O гуруҳи  $1690\text{ см}^{-1}$ , (NH)  $3242\text{ см}^{-1}$ , (C=N)  $1662\text{ см}^{-1}$ , (CH<sub>3</sub>)  $3022\text{ см}^{-1}$ , (C-C)  $1491\text{ см}^{-1}$ , (C-N)  $1314\text{ см}^{-1}$  соҳаларда намоён бўлади. <sup>1</sup>H ЯМР спектри олинганда ( $\delta$ , м.у. J/Hz): 1H=7.99, с, Н-2), 12.17 (1H, с, NH), 8.44 (1H, д, J=2.28, Н-5), 7.89 (1H, дд, J= 2.44, Н-7), 7.62 (1H, д, J=8.78, Н-8), 10.3 (1H, с, NH), 2.08 (3H, с, CH<sub>3</sub>) маълумотлар кузатилади. <sup>13</sup>C ЯМР спектри таҳлил натижалари куйдагича кўриниш олди: синтез қилинган бирикма таркибидаги -CH<sub>3</sub> кучли соҳа, яни 24.3 м.у. соҳада, (C-5) 114.3, (C-8) 123.1, (C-7) 126.2, (C-10) 128.0, (C-6) 138.0, (C-2) 144.1, (C-9) 144.7, (C-4) 160.9 соҳаларда намоён бўлиши кузатилди. Ушбу натижалар бирикма тузилишини тасдиқлайди.

*N-(4-Оксо-3(H)-хиназолин-6-ил)пропионамид синтези.* Ациллаш реакцияси 6-аминохиназолин-4-он ва пропион кислота иштирокида 140-145 °C ҳароратда 4 соат давомида олиб борилди. Маҳсулот унуми 79,5%ни ташкил этди.  $R_f=0,63$ . (Система – бензол:ацетон 2:3).  $T_{\text{суюқ}}=272-274$  °C. Молекуляр массаси 219,224. ИҚ-спектр: (C=O)  $1689\text{ см}^{-1}$ , (N-H)  $3282\text{ см}^{-1}$ , (C=N)  $1659\text{ см}^{-1}$ , (CH<sub>3</sub>)  $1415\text{ см}^{-1}$ , (C-C)  $1481\text{ см}^{-1}$ , (C-N)  $1301\text{ см}^{-1}$ , (C-H)  $3058\text{ см}^{-1}$ , (CH<sub>2</sub>)  $1450\text{ см}^{-1}$ . <sup>1</sup>H ЯМР спектр: ( $\delta$ , м.у. J/Hz): 7.26 (1H, дд, J=8.79, Н-2), 12.06 (1H, с, NH), 8.41 (1H, т, J=2.3, Н-5), 7.79 - 7.92 (2H, AA'BB' тип, Н - 7, 8), 10.11 (1H, с, NH), 2.36 (2H, к, J<sub>1</sub>= 7.46; J<sub>2</sub>=7.6 CH<sub>2</sub>CH<sub>3</sub>), 1.12 (3H, т, J=7.53, CH<sub>2</sub>CH<sub>3</sub>). <sup>13</sup>C ЯМР спектрида ҳам ушбу моддага тегишли сигналлар кузатилди. Яни бирикма таркибидаги -CH<sub>3</sub> кучли 9.6 ва -CH<sub>2</sub>- 29.5 соҳаларда, (C-5) 114.1, (C-8) 122.9, (C-7) 125.8, (C-10) 127.8, (C-6) 137.9, (C-2) 143.9, (C-9) 144.4, (C-4) 160.7, (C-11) 172.2 соҳаларда кузатилди.


*N-(4-Оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-ил)изобутирамид синтези.* Изомой кислота иштирокида 6-аминохиназолин-4-онни ациллаш реакцияси реагентларнинг 4:1 нисбатда 150 °C ҳароратда 4 соат давомида қиздириб олиб борилди. Унум 64,1%.  $R_f=0,41$ . (Система – хлороформ:метанол:бензол, 5:3:1).  $T_{\text{суюқ}}=281-282$ °C. Молекуляр массаси 217,224. <sup>1</sup>H ЯМР (DMCO-d<sub>6</sub>): ( $\delta$ , м.у. J/Hz): 7.93 (1H, дд, J=8.53, Н-2), 12.12 (1H, с, NH), 7.45 (1H, т, J=2.3, Н-5), 7.88 - 7.90 (2H, AA'BB' тип, Н - 7, 8), 10.18 (1H, с, NH), 2.05 (2H, м, CH(CH<sub>3</sub>)<sub>2</sub>), 1.10 (6H, д, J=6.54, CH(CH<sub>3</sub>)<sub>2</sub>). <sup>13</sup>C ЯМР: 19.5 м.у. (1,3-C), 36.3 м.у. (2-C), 116.6 м.у. (10-C), 117.7 м.у. (9-C), 119.3 м.у. (6-C), 120.4 м.у. (11-C), 138.4 м.у.(5-C), 145.4 м.у. (8-C), 145.6 м.у. (12-C), 161.0 м.у. (7-C), 170.9 (4-C).

*N-(4-Оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-ил)бутирамид синтези.* Мой кислота иштирокида 6-аминохиназолин-4-онни ациллаш реакцияси ҳам юкоридаги усул каби кислотанинг кайнаш ҳароратида амалга оширилди. Маҳсулот 71,3% унум

билан синтез қилинди.  $R_f=0,47$ . (система – бензол:ацетон 2:3).  $T_{суюқ} = 272-274^{\circ}\text{C}$ . Молекуляр массаси 231,251.  $^1\text{H}$  ЯМР (ДМСО- $d_6$ ): ( $\delta$ , м.у. J/Hz): 7.8 (1H, д,  $J=8.43$ , H-2), 12.01 (1H, с, NH), 7.63 (1H, т,  $J=2.6$ , H-5), 7.83 - 7.91 (2H, AA'BB' тип, H-7, 8), 10.1 (1H, с, NH), 2.35 (2H, т,  $J=7.3$   $\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_3$ ), 1.50-1.61 (2H, м,  $\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_3$ ), 0.98 (3H, т,  $J=7.3$ ,  $\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_3$ ).

6-[[4-Нитробензилиден)амино]N-3(H)-хиназолин-4-он синтези


6-Аминохиназолин-4-оннинг *n*-нитробензальдегид билан реакцияси *n*-нитробензальдегид таркибидаги углерод-кислород қўшбоғининг узилиши ҳисобига кетади. Бунда *n*-нитробензальдегиднинг карбонил гуруҳидаги электронлар зичлиги кислород атоми томон силжиган бўлади, яъни углерод атомида мусбат зарядларнинг зичлиги, кислородда эса манфий зарядларнинг зичлиги ортади, углеродга нисбатан электроманфий зарядланган бўлиб қолади ва карбонил гуруҳ кутбланади. Натижада карбонил гуруҳнинг углерод атоми электрофил хоссага эга бўлиб, нуклеофил реагентлар билан осон бириқади. Шу сабабли *n*-нитробензальдегид бириқиш реакциясига киришаётганда 6-аминохиназолин-4-оннинг манфий зарядланган азот атомига мусбат зарядланган углерод атомининг нуклеофил бириқиши содир бўлади. 6-Аминохиназолин-4-оннинг *n*-нитробензальдегид билан Шифф асосини олиш реакция механизми қуйидагича тақлиф этилди:



Синтез қилинган 6-[[4-нитробензилиден)амино]N-3(H)-хиназолин-4-оннинг унуми 78,2%.  $R_f=0,63$ . Система – хлороформ:метанол:бензол, 5:3:1.  $T_{суюқ}=328-330^{\circ}\text{C}$ . Молекуляр массаси 294,265.  $^1\text{H}$  ЯМР (600 МГц): (ДМСО- $d_6$  +  $\text{CCl}_4$ ): ( $\delta$ , м.у. J/Hz): 7.96 (1H, с,  $J=2.42$ , H=2), 12.18 (1H, с, NH), 8.92 (1H, с, H=5), 7.75 (1H, дд,  $J_1=2.45$ ,  $J_2=8.6$ , H=7), 7.69 (1H, д,  $J=8.55$ , H=8), 7.96 (1H, с, H=10), 8.25 (2H, тт,  $J=8.86$ , H=2',6'), 8.35 (2H, тт,  $J=8.79$ , H=3',5').  $^{13}\text{C}$  ЯМР: (ДМСО- $d_6$  +  $\text{CCl}_4$ ): 128.1 м.у. (C-1'), 116.6 м.у. (C-2), 144.3 м.у. (C-3', 5'), 141.2 м.у. (C-2', 6'), 148.3 м.у. (C-4a), 158.9 м.у. (C-4), 160.4 м.у. (C-4'), 128.2 м.у. (C-5), 129.5 м.у. (C-6), 123.4 м.у. (C-7), 123.3 м.у. (C-8), 147.6 м.у. (C-8a) ларга ҳос сигналлар намоён бўлди. ИҚ-спектр (KBr,  $\nu$ ,  $\text{cm}^{-1}$ ): (C=O) 1697  $\text{cm}^{-1}$ , (NH) 3438  $\text{cm}^{-1}$ , (C=N) 1618  $\text{cm}^{-1}$ , (C-C) 1519  $\text{cm}^{-1}$ , (C-N) 1279  $\text{cm}^{-1}$ , (C-H) 2918  $\text{cm}^{-1}$ .

Тадқиқотлар давомида 6-аминохиназолин-4-онни таркибида электронодонор гуруҳ ( $-\text{OH}$ ,  $-\text{N}(\text{CH}_3)_2$ ,  $-\text{OCH}_3$ ) сақлаган ароматик алдегидлар билан реакциялари турли кутблилиқка эга бўлган 2 хил эритувчи этил спирти ва пиридинда, моддалар миқдори ҳам турли нисбатларда, ҳарорат эса  $40^{\circ}\text{C}$  дан  $110^{\circ}\text{C}$  гача бўлган ораликларда олиб борилди. Натижада 6-((4-гидроксibenзилиден)амино)хиназолин-4(3H)-он, 6-((4-(диметиламино)бензилиден)амино)хиназолин-4(3H)-он, 6-((4-(метоксибензи-


лиден)имино)хиназолин-4-(3H)-он каби бирикмалар мос равишда 27-32-35 % ларда снптез қилинди ва реакция тенгламаси қуйдагича таклиф қилинди:



Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичларида хиназолин-4-оннинг юқори физиологик таъсирга эга бўлган ҳосилалари камровини кенгайтириш мақсадида, олтингурут ҳамда бром атомларини тутган бирикмаларни синтез қилиш устида тажрибалар амалга оширилди

**Хиназолин-4-тион синтези.** Қайтар совуттич билан жиҳозланган қолбага хиназолин-4-он ва P<sub>2</sub>S<sub>5</sub> ҳамда пиридин солинди ва 3 соат давомида қайнатилди. Реакцион аралашма хона ҳароратигача совутилди. Қолба тубида сарик рангли чўкма ҳосил бўлди. Тушган чўкма филтрланди ва совук сувда ювилди. Ҳосил бўлган модда калий гидроксиднинг 0,3% ли эритмасида эритилиб, HCl ёрдамида нейтралланди. Нейтралланиш натижасида яна сарик рангли чўкма ҳосил бўлди ва филтрланиб хона ҳароратида қуритилди. Унум 82%. R<sub>f</sub>=0,44. Система – бензол:ацетон 2:3. T<sub>суюқ.</sub>=287-288 °C. Молекуляр массаси 162,212. <sup>1</sup>H ЯМР: (DMCO-d<sub>6</sub>): (δ, м.у. J/Hz): 8.07 (1H, д, J=1.64, 2-H), 8.14 (1H, с, H-5), 7.57 (1H, т, J<sup>m</sup>=1.17, J<sup>o</sup>=2.3, H-6), 7.68 (1H, дд, J<sup>m</sup>=1.25, J<sup>o</sup>=8.28, H-7), 7.85 (1H, т, J<sup>m</sup>=1.42, J<sup>o</sup>=2.69, H-8). <sup>13</sup>C ЯМР (DMCO-d<sub>6</sub>): 144.3 м.у. C-9, 134.3 м.у. C-7, 148.7 м.у. C-2, 129.2 м.у. C-5, 125.8, 127.2 м.у. C-10, 122.6 м.у. C-6, 185.7 м.у. C-4. ИҚ-спектри (KBr, ν, см<sup>-1</sup>): (C=S) 763 см<sup>-1</sup>, (NH) 3147 см<sup>-1</sup>, (C=N) 1597 см<sup>-1</sup>, (C-N) 1465 см<sup>-1</sup>, ар.х. (C=C) 1686 см<sup>-1</sup>.

**6-Бромхиназолин-4-он синтези.** Хиназолин-4-оннинг бромли ҳосиласи синтези 2 хил усулда амалга оширилди. Биринчи усулда хиназолин-4-онни молекуляр бром билан Льюис кислоталари иштирокидаги реакцияси бўлса иккинчи усулда 5-бром-2-аминобензой кислотани формамид иштирокида қиздириб олиб борилди.



Биринчи усулда олинган маҳсулот унуми 87,3% ни, иккинчи усулда эса 83% ни ташкил этди. R<sub>f</sub>=0,38. (Система – хлороформ:метанол:бензол; 5:1:1,5). T<sub>суюқ.</sub>=267-268°C. Молекуляр массаси 225,042. ЯМР <sup>1</sup>H, (δ, м.у. J/Гц): 8.07 (1H, дд, J<sub>1</sub> H=5,7=0.49, J<sub>2</sub> H=5,7=2.31, H-5), 8.23 (1H, дд, J<sub>1</sub> H=7,5=2.38, J<sub>2</sub> H=7,8=9, H-7), 7.6 (1H, дд, J<sub>1</sub> H=8,5=0.36, H-8). ИҚ спектри (KBr, ν, см<sup>-1</sup>): (C=O) 1691 см<sup>-1</sup>, (NH) 3193 см<sup>-1</sup>, (C=N) 1612 см<sup>-1</sup>, (C-N) 1463 см<sup>-1</sup>, ар.х. (C=C) 1781 см<sup>-1</sup>.

Диссертациянинг “Тажрибавий қисм” номли учинчи бобида хиназолин-4-он ва унинг ҳосилаларини олиш бўйича амалга оширилган тажрибаларни 16



бажариш тартиби ва шароитлари тўғрисида батафсил сўз юритилади. Мақсадли синтез йулида танланган шароитларнинг мақбул вариантларини топиш, янги синтез усулларини таклиф этиш учун ўтказилган тажрибалар муҳокама қилинади. Унга қўра, тажрибаларда қўлланилган ускуналар ва ускунавий таҳлилларнинг асосий параметрлари, реакция шароитлари ва уларни ўтказиш тартиблари, реакцияни дастлабки назорат қилиш усуллари, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий тавсифлари келтирилган.

Диссертациянинг “Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги” номли тўртинчи бобида хиназолин-4-он ва янги синтез қилинган ҳосилаларнинг антигельминтлик, антимикроблик, инсектицидлик, фунгицидлик ва стимуляторлик фаолликлари ўрганилди.

Хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридини антигельминтлик хусусияти, турли дозаларда қўллашнинг антигельминт самараси, оптимал дозасини аниқлаш бўйича тажрибалар Самарқанд Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг гельминтология лабораториясида олиб борилди. Хиназолин-4-он ва унинг гидрохлоридининг фасциолаларга қарши антигельминт фаоллигини аниқлаш учун 20, 25, 30, 50, 80, 100 ва 120 мг дозаларда синалди ҳамда фасциолёзга қарши юқори самарали бўлган “Фаскоцид” препарати билан таққосланди. Олинган натижалар асосида хиназолин-4-он гидрохлориди юқори даражада фасциолоцид хусусиятга эга бўлиб, унинг экстенс самараси 97,0%ни, интенс самараси эса 99,6%ни ташкил қилди.

Биологик фаолликни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар давомида синтез қилинган бирикмаларнинг фунгицидлик фаоллиги ўрганилди. Синтез қилинган бирикмаларнинг барчаси *Fusarium oxysporum* Schr f. *Vasinfestum* Bilai га қарши ўргача фунгицид фаолликни кўрсатди. Бундан ташқари, олинган бирикмалар *Bacillus subtilis*, *Staphylococcus aureus*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Escherichia coli*, *Candida albicans* бактерия штамmlарига нисбатан бактерицид фаоллиги ўрганилди. Таъкидлаш лозимки, ушбу бирикмалар орасида, инсектицидлик ва бактерицидлик фаолликларни намоён этган яни бир вақтда икки хил (дуал) биологик фаолликка эга эканлиги аниқланган. Ушбу олинган натижалар хиназолин-4-он ва унинг ҳосилалари каторида биологик фаол моддалар излаш амалий нуқтаи-назардан муҳим эканлигини билдиради.


Тадқиқотлар давомида 1, 5, 8, 13, 14, 22, 23 бирикмаларнинг гербицидлик ва ўстирувчанлик фаоллиги ўрганилди. Ўсимликлар ўсишини тезлаштирувчи фаолликни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики 5, 8, 22, 23 бирикмалар 0,0001% концентрацияда стимуляторликни намоён этди. Бугдой муртагининг илдиз қисмининг ўсиши 8,64, 9,08, 8,68 ва 8,89 см ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 17,5%, 23,5%, 18% ва 20,9% га узунрок. Бугдой муртагидан униб чиққан поянинг узунлиги 6,95, 7,46, 7,26 ва 7,47 см ни ташкил этиб, назорат гуруҳига нисбатан 17,2%, 25,8%, 22,4% ва 25,9% га кўп. Эталон вариантда ИУК ва “Суфлёр” калий гумматининг кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан илдиз қисми 37,8% ва 33,8% га, поянинг узунлиги эса 23,7% ва 41,8% га кўпроқ эканлиги кузатилди.

Тадқиқотлар давомида юқорида келтирилган бирикмаларнинг ингибиторлик фаоллигини ўрганиш бўйича ўтказилган тестлар шуни кўрсатадики, текширилаётган моддалар 0,1% концентрацияда буғдой муртагини ўсишини сусайтирди. Таҷриба уруғларининг униб чиқиши назорат гуруҳига нисбатан пастрок бўлиб, муртақларнинг ер устки ва ер остки қисмларида ҳам ўсишнинг секинлашуви кузатилди. 23-Бирикма 0,1% концентрацияда буғдой донини униб чиқишини бутунлай тўхтатиб қўйди. Синтез қилинган 1, 5, 8, 13, 14, 22, 23 бирикмаларнинг инсектицид фаоллиги ўрганилди ва 13 бирикма эталонга нисбатан 48 соатда 96,7% фаоллик кўрсатиши аниқланди.

Диссертациянинг “Хиназолин-4-он субстанцияси ва унинг гидрохлоридини олиш технологияси” деб номланган бешинчи бобида техник хиназолин-4-он субстанциясини олиш ва уни тозалаш, хиназолин-4-он субстанциясини олишнинг технологик схемаси баёни, хиназолин-4-он гидрохлориди субстанциясини олиш ҳамда N-(4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-ил)ацетамид олиш технологиялари баён этилган, шунингдек ишлаб чиқариш жараёниларида ҳосил бўлган чиқиндилар ва иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш ҳамда утилизация масалалари ўрганиб чиқилиб, тегишли таклифлар берилган.

Хиназолин-4-он субстанциясини олишнинг принципап аппарат-технологик схемаси 3-расмда келтирилган. Унга кўра, аралаштиргич ва термометр билан жихозланган Р-11 шишали реакторга М-10 ўлчагичдан 6,56 л формамид ( $d=1,13 \text{ г/см}^3$ ) ва Б-9 бункердан 5,0 кг антранил кислота солинади. Реакцион аралашма доимий аралаштирилган ҳолда 4 соат давомида 135 °С ҳароратда киздирилади. Реакцион аралашма 4 соатдан сўнг музли сув билан тўлдирилган Е-12 сифимга қуйилади ва 3-4 соат 25-30 °С ҳароратида қолдирилади. Тушган чўкма Е-12 сифимдан Ф-13 нутч-филтри ёрдамида филтрлаб олинади ва сувда ювилиб, Қп-14 қуритиш печида 55-60 °С ҳароратда намлик даражаси 1,5% бўлгунга қадар қуритилади. Шундан сўнг олинган техник хиназолин-4-он, Р-15 шишали реакторда солинади ва М-17 ўлчагичдан 30,0 литр 30%ли этил спирт солиниб тўлиқ эриб кетгунча киздирилади, сўнгра реакцион аралашмага Б-16 бункердан 0,2 кг фаолланган кўмир солиб киздирилади. Реакцион аралашма қайноқ ҳолатда Ф-18 нутч-филтрида филтрланади ва Е-19 сифимда 8 соат давомида чўкма тушиш учун қолдирилади. Тушган хиназолин-4-он чўкмаси Ф-20 нутч-филтри ёрдамида филтрлаб олинади. Филтрат – спиртни ВЦА-21 га вакуумли циркуляцион ҳайдаш аппаратга юборилади. Хиназолин-4-он субстанцияси қуритиш учун Қп-20 қуритиш печида намлик миқдори 1,5% дан юқори бўлмаган миқдорда қуритилади. Хиназолин-4-он унуми 4,82 кг (90,6%) ни ташкил этди. Қуритилган маҳсулот қадоқлаш учун юборилади.

Хиназолин-4-он бирикмасини синтез қилиш жараёнида олинган натижалар шуни кўрсатдики, оптимал шароит сифатида реакция давомийлиги 4 соат, ҳарорат 135-140 °С оралиғида бўлганда хиназолин-4-он бирикмаси 95-96% унум билан олиниши аниқланди.



3-Расм. Хиназолин-4-он олиш технологик схемаси

- 1, 2, 9, 16-бункерлар; 3, 19, 17-улчагичлар; 4, 11, 15-шиша реакторлар;  
5, 7, 13, 15, 20- филтрлар; 6, 12, 19- совутиш учун сигимлар;  
8, 14, 22-куритиш шкафи.

Диссертациянинг иловалар қисмида синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий таҳлил ускуналарида олинган спектрлари, математик ҳисоблашлар ва статистик натижалар, биологик тестлар натижалари юзасидан далолатномалар, тасдиқланган меъёрий-техник ҳужжатларнинг нусхалари келтирилган.

### ХУЛОСАЛАР

1. Бициклик хиназолин-4-онни нитроловчи аралашма ёрдамида нитролаш реакцияси олиб борилиб, электрофил алмашилиш реакцияси натижасида 6-нитрохиназолин-4-он синтез қилинди ва реакциянинг механизми тақлиф этилди.

2. Илк бор олинган нитробирикмани аминоҳосилагача қайтариш реакцияси амалга оширилди ва олинган 6-аминохиназолин-4-онни алифатик кислоталар ёрдамида ациллаш ва ароматик альдегидлар билан реакциялар натижасида янги амидлар ва азометинлар синтези амалга оширилди, бу жараёнда маҳсулот унуми камайиши ацил маҳсулот таркибидаги алкил гуруҳининг ҳажми катталаниши билан изоҳланади.

3. Хиназолин-4-оннинг 6-алмашган ҳосилалари синтези йулида -амино маҳсулот олиш, уни ациллаш реакциялари биринчи бўлиб амалга оширилди, олинган янги бирикмаларнинг ҳамда янги усудда олинган маълум бирикмаларнинг тузилиши  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР, ИҚ-, МС, РТТ усуллари ёрдамида тасдиқланди.

4. Олинган бирикмалар устида ўтказилган биологик тадқиқотлар натижаларига кўра, хиназолин-4-он ва унинг гидрохлориди фасциолаларга нисбатан 25-150 мг дозалари 47,5-100% хайвонларни фасциолалардан озод қилиши кўрсатиб берилди, натижада унинг 100 мг мақбул дозаси тавсия этилди.

5. Синтез қилинган бирикмаларни инсектицид фаоллигини ўрганиш натижасида N-(4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-ил)ацетамид бирикмаси эталонга нисбатан 96,7% фаоллик кўрсатиши аниқланди ҳамда хиназолин-4-он ҳосилалари турли микроорганизм штамmlарига нисбатан бактерицид фаолликка эга эканлиги кўрсатилди.

6. Хиназолин-4-он, унинг гидрохлориди ва N-(4-оксо-3,4-дигидрохиназолин-6-ил)ацетамид бирикмаларини олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида технологик ускуналар тизими жорий этилди. Ўтказилган технологик тадқиқотлар натижасида фасциолёзга қарши Хиназол дори воситаси яратилиб қорвачиликда фойдаланиш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.09.2020.К.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**  
**ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ЗИЯДУЛЛАЕВ МИРЖАЛОЛ ЭГАМБЕРДИ УГЛИ**

**СИНТЕЗ, ТЕХНОЛОГИЯ ХИНАЗОЛИН-4-ОНА И ЕГО  
6-ЗАМЕЩЕННЫХ ПРОИЗВОДНЫХ**

**02.00.03 – Органическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/K387

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.cspi.uz](http://www.cspi.uz) [ilmiy-kengash](http://ilmiy-kengash) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

**Научный руководитель:** **Каримов Рихсибай Кучкарлович**  
кандидат технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Икрамов Абдувахаб**  
доктор технических наук, профессор

**Абдугафуров Иброхим Азизович**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности**

Защита диссертации состоится « 02 02 2022 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.K.82.02 по присуждению учёных степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: [tvchdpi\\_k.kengash@gmail.com](mailto:tvchdpi_k.kengash@gmail.com)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41 (зарегистрирована за № 78).

Автореферат диссертации разослан « 21 01 2022 года.  
(реестр протокол рассылки № 9 от 21.01 2022 года).



**Д.А. Гафурова**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., доцент

**Г.К. Отамухамедова**

Учредитель научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.х.н. (PhD)

**А.Г. Махсумов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день из года в год растет производство препаратов, имеющих высокую потребность, путем внедрения новых инновационных технологий при синтезе органических веществ на основе гетероциклических соединений. Применение новых катализаторов, проведение технологических расчетов при контроле процессов для синтеза производных хиназолин-4-она из природного сырья, применение 6-монозамещенных производных хиназолин-4-она в химической промышленности, применение их для получения высококачественных препаратов для медицины и сельского хозяйства, синтез множества новых веществ путем введения различных функциональных групп в их структуру имеет важное значение.

В мире ведутся широкомасштабные научные исследования по синтезу 6-замещенных производных хиназолин-4-она с помощью новых каталитических систем, изучению влияния различных факторов, влияющих на выход продукта, созданию технологий их производства и определению сферы их применения. В этом направлении особое внимание уделяется синтезу 6-замещенных производных хиназолин-4-она, установлению их состава и строению, синтезу на их основе новых биостимуляторов, иммунобиологических, радиофармацевтических и парафармацевтических препаратов, растворителей и полимеров, а также определению их физико-химических свойств.

В нашей Республике достигнуты определенным результатам по эффективному использованию местных сырьевых ресурсов и вторичных продуктов для синтеза конкурентноспособных на мировом рынке новых видов химических веществ, выполнению программы локализации при производстве, созданию методов получения экспортоориентированных импортозамещающих веществ, определение их возможности применения в текстильной и фармацевтической промышленности. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан поставлены задачи по "...освоению производства кардинально новых видов продуктов, обеспечивающих конкурентноспособность местных товаров во внутреннем и внешнем рынке"<sup>1</sup>. С этой целью, проведение научных исследований, направленные на разработку методов синтеза и технологии производства новых соединений с помощью хиназолин-4-она, определение их состава, строения, физико-химических свойств, использование их в качестве ингибиторов, антигельминтных препаратов и стимуляторов в фармацевтике, животноводстве и сельском хозяйстве обретает особую значимость.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан за № ПП-4805 от 12-августа 2020 года «О мерах по повышению

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

